

✓

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Экология,

атроф-мухитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўринбосари



Ж. Казбеков

2025 йил “ 11 ” апрель

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи
экспертлар Кенгашининг йиғилиш

2 - Баёни

2025 йил 11 апрель

Тошкент шаҳар

Раислик қилувчи:

Ж. Казбеков Ўзбекистон Республикаси Экология,
атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги ўринбосари.

Қатнашдилар:

“UzBAT” QK AJ Urgut filialining, “O‘ZBEKISTON
MILLIY ELEKTR TARMOQLARI” AJning, “BLEND
MIX” MChJning, “SHAFFOF METAN SANOAT”
MChJning, “Hududgazta’minot” AJning корхоналари
вакиллари, Экспертлар кенгаши аъзолари:
З.М.Сатторов, К.Х.Бухоров, У.А.Содиқова, Р.И.
Раззаков, А.А. Абдувоҳидов, В.В. Ши-сян, А.В.
Жданов, М.С.Малышев, Д. Махмудов, А. Кунисhev,
Н. Камбаров, С. Никадамбаев

КУН ТАРТИБИ:

1. “UzBAT” ҚҚ АЖ Ургут филиалининг 2025 йил 3 мартдаги
366/030325/СА-сон мурожаатига асосан, тамаки баргини қайта саралаш ва
табiiй ферментланган тамаки ярим хом-ашёсини тайёрлаш фаолияти атроф-
мухитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш;

2. “O‘ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI” АЖнинг 2025 йил
11 мартдаги 01-04-38/1314-сон мурожаатига асосан, Самарқанд вилоятида
жойлашган 220 кВ Чупан-Ота подстанциясини (II босқич) фаолияти
атроф-мухитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш;

3. “BLEND MIX” МЧЖнинг 2025 йил 5 мартдаги 15-сон мурожаатига
асосан, 2024 йил 12 ноябр 01-02/01-2115-сон маъқулланмаган (қайта ишлашга
юборилган) хулосанинг қонунийлигини кўриб чиқиши;

4. “SHAFFOF METAN SANOAT” МЧЖнинг 2025 йил 12 февралдаги 3021-сон мурожаатига асосан, 2022 йил 14 феврал 04-01/10-08-257-сон ва экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотига 2022 йил 11 августдаги 03-01/11-08-1571-сон ижобий хулосаларини бекор қилиш;

5. Чирчиқ, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё, Қорадарё Оқдарё ва Сурхондарё дарё ўзанлари тозалаш ва карьерларда норуца материаллари казиб олишга муддатсиз мораторий жорий этилганлиги сабабли, ушбу фаолият амалга оширилаётган объектларга берилган ижобий хулосаларни бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш (руйхат бўйича);

6. “Hududgazta'minot” АЖнинг 2025 йил 1 апрелдаги 02-10/2472-сон мурожаатига асосан, фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан раислик қилувчи Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари Ж.Қазбеков Қенгаш йиғилишини очиб, Тошкент архитектура-қурилиш университети, қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги кафедраси профессори З.Сатторов ва Тошкент давлат аграр университети вакили Қ.Бухоровлар онлайн тарзда ZOOM орқали, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси мутахассиси В.Абдувоҳидов “ТИҚХММИ” МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, техника фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори Р.Раззаков, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Гидроэкология ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш лабораторияси мудири У.Содиқовалар Марказдан иштирок этаётганлиги ва хулоса қабул қилиш учун етарли қворум борлигини маълум қилиб, кун тартибини эълон қилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан **“UzBAT” ҚҚ АЖ Ургут филиалининг** 2025 йил 3 мартдаги 366/030325/СА-сон мурожаатига асосан, тамаки баргини қайта саралаш ва табиий ферментланган тамаки ярим ҳомашёсини тайёрлаш фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг қайси тоифасига мансублиги кўриб чиқилди.

Қенгаш аъзоларига қорхона вакиллари томонидан объект фаолияти билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар ва тақдимот намоиш этилди. Ушбу тақдимотда қорхонанинг барча технологик жараёнлари намоиш этилди.

Давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти Л. Тушева томонидан Самарқанд вилояти, Ургут туманида **“UZBAT” ҚҚ АЖ Ургут филиали** ҳудудида ёмғир ва ёғингарчилик сувларини йиғиш учун ҳовуз қурилишининг Атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнот лойиҳаси кўриб чиқилди ва ушбу лойиҳада тўлиқ технологик кетма-кетлиги жараёни ёритилган (19.09.2024 йилда 01-02/01-1724-сон ижобий ҳулоса берилган). Мазкур лойиҳага асосланган ҳолда ушбу фаолият атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифасига мансублигини таъкидлади.

Мухокама этилаётган масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти А.Жданов, ушбу фаолият тамакини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнининг бир қисми деб таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига асосан, “Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари”га (29-банди) мос равишда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифасига мансуб эканлигини айтиб ўтди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, “**UzBAT**” **ҚК АЖ Ургут филиали** томонидан тамаки баргини қайта саралаш ва табиий ферментланган тамаки ярим ҳом-ашёсини тайёрлаш фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига 1-илова “Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати”га мувофиқ, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифаси 29-банди “тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари”га мансублигини таъкидлади.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини етти овоздан маъқуллашди, икки овоз бетараф.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь кун тартибидаги **иккинчи масала “Hududgazta'minot” АЖ**нинг 2025 йил 1 апрелдаги 02-10/2472-сон мурожаатини кўриб чиқишини таклиф берди.

Кенгаш аъзолари бир овоздан рози бўлишди.

“**Hududgazta'minot**” **АЖ**нинг 2025 йил 1 апрелдаги 02-10/2472-сон мурожаатида юритилаётган фаолиятини атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниклик киритиш сўралган.

“**Hududgazta'minot**” **АЖ**ни вакилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сон қарори асосида «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖларнинг вазифалари белгиланди. Шу билан бирга, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирини 2024 йил 15 апрелдаги 01/2-9-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида Газ таъминоти тизимидаги газ қувурлари юборилаётган газнинг босимида кўра тоифалари белгиланган.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, юқоридагиларнига асосланиб “Hududgazta'minot” **АЖ**ни фаолиятини атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг III тоифага мос келишини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, ТИҚХММИ МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, Техника фанлари бўйича фалсафа фанлар доктори Р.Раззаков, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Гидроэкология ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш лаборатория

мудир У.Содиқова ва Давлат экологик экспертизаси маркази давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўлими бош эксперти М.Малышевлар Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сяннинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, шу мазмунда фикр билдирдилар.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини саккиз овоздан маъқуллашди, бир овоз бетараф.

Кун тартибидаги **учинчи масала “O‘ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI” АЖ**нинг 2025 йил 11 мартдаги 01-04-38/1314-сон мурожаатига асосан, Самарканд вилоятида жойлашган 220 кВ Чупан-Ота подстанцияси (II босқич) фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш.

“O‘ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI” АЖнинг вакиллари томонидан Кенгаш аъзоларига корхона вакиллари томонидан объект фаолияти билан боғлиқ тегишли хужжатлар тақдим этилди.

Шу билан бирга, Самарканд вилоятида жойлашган 220 кВ Чупан-Ота подстанциясида реконструкция ишлари режалаштирилганлиги ва ушбу подстанцияни атроф-муҳитга таъсир паст бўлганлиги сабабли III тоифа билан давлат экологик экспертизасидан ўтказишини сўралган.

Давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти М.Малышев муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига 1 иловага мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аҳамиятга эга бўлган электр узатиш линиялари атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II-тоифа 10-бандига (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аҳамиятга эга бўлган электр узатиш линиялари) ва III-тоифа 8-бандига (туман ва шаҳар (Тошкент шаҳри бундан мустасно)) мансуб бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, Самарканд вилоятида жойлашган 220 кВ Чупан-Ота подстанцияси қувватидан келиб чиқиб атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II тоифа 10-бандига мос келишини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, Давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўлими бош эксперти А.Жданов ва М.Малышевлар Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сяннинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, шу мазмунда фикр билдирди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини саккиз овоздан маъқуллашди, бир овоз бетараф.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала “BLEND MIX” МЧЖ**нинг 2025-йил 5-мартдаги 15-сон мурожаатига асосан, 2024 йил 12 ноябр 01-02/01-2115-сон маъқулланмаган (қайта ишлашга юборилган) хулосанинг қонунийлигини кўриб чиқиши.

Давлат экологик экспертизаси маркази етакчи эксперти Н.Турсунова муҳокама этилаётган масала юзасидан тушунтириш бериб, 2024 йил 16 октябрда **“BLEND MIX” МЧЖ** томонидан Бухоро вилояти, Бухоро

туманидаги Мамаржугати-1 гипсли жинси участкасида геология-кидирув ишларини олиб бориш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги баёнот лойиҳа ҳужжатларини тақдим этганлиги, лойиҳа ҳужжатларини ва координаталарини ўрганиш жараёнида шимолий-шарқий ва шарқий ҳудуд қисм контурлари Бухоро ихтисослаштирилган "Жайрон" питомнигида жойлашганлиги аниқланиб, 2024 йил 12 ноябрдаги 01-02/01-2115-сон маъқулланмаган (кайта ишлашга юборилган) хулоса тақдим этилди.

Шунингдек, **"BLEND MIX" МЧЖ** корхона вакилари томонидан қўшимча тақдим этилган ҳужжатларида Давлат кадастрлари палатаси Бухоро бошқармаси Бухоро туман филиалининг 2024 йил 6 декабрдаги 3214-сон хатига асосан ушбу ер майдони Бухоро тумани ҳокимлиги захирасида эканлигини таъкидлади. Бироқ, Бухоро ихтисослаштирилган "Жайрон" питомнигининг 2025 йил 7 январдаги 2-сон хатига мувофиқ, геология-кидирув ишларини амалга ошириш учун ажратилган ер майдонининг 11 га қисми Бухоро ихтисослаштирилган "Жайрон" питомниги ҳудудида жойлашганлигини маълум қилди.

Қайд қилинганларга асосланиб, ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида, Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь **"BLEND MIX" МЧЖ** вакилларига экология вазирлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатаси Бухоро бошқармаси билан ҳамкорликда Бухоро ихтисослаштирилган "Жайрон" питомниги чегараларига аниқлик киритгандан сўнг, ушбу масалани Экспертлар кенгашида кайта кўриб чиқишни таклиф қилди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини саккиз овоздан маъқуллашди, бир овоз бетараф.

Кун тартибидаги **бешинчи масаласи "SHAFFOF METAN SANOAT" МЧЖ**нинг 2025 йил 12 февралдаги 3021-сон мурожаатига асосан, 2022 йил 14 феврал 04-01/10-08-257-сон ва экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотига 2022 йил 11 августдаги 03-01/11-08-1571-сон ижобий хулосаларини бекор қилиш.

"SHAFFOF METAN SANOAT" МЧЖни вакилари ва мурожаатчи Холматов М. экспертлар кенгаши йиғилишида қатнашмаганлиги сабабли, Раислик этувчи ушбу масалани муҳокамаси кейинги экспертлар кенгаши йиғилишида кўриб чиқишини таклиф берди.

Кенгаши аъзолари бир овоздан рози бўлишди.

Кун тартибидаги **олтинчи масалада, Чирчик, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё, Қорадарё Оқдарё ва Сурхондарё дарё ўзанлари тозалаш ва карьерларда норуда материаллари қазиб олишга муддатсиз мораторий** жорий этилганлиги сабабли, ушбу фаолият амалга оширилаётган объектларга берилган ижобий хулосаларни бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш (руйхат бўйича).

Муҳокама этилаётган масала юзасидан Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сув ҳавзаларида норуда материалларни қазиб олишни тартибга солиш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 17 январдаги ПФ-14-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Норуда материалларни казиб олишга мораторий жорий этилган сув хавзалари ҳудудларининг чегараларини белгилаш тўғрисида”ги 2024 йил 12 сентябрдаги 566-сон қарорига асосан, Чирчик, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё, Қорадарё Оқдарё ва Сурхондарё дарё ўзанлари тозалаш ва карьерларда норуда материаллари казиб олишга муддатсиз мораторий жорий этилганлиги маълум қилди.

Шу боис, Давлат экологик экспертизаси маркази Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь ҳамда бош юрисконсулти Д. Маҳмудов сўзга чиқиб, Чирчик, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё, Қорадарё Оқдарё ва Сурхондарё дарё ўзанлари тозалаш ва карьерларда норуда материалларини казиш фаолиятига берилган давлат экологик экспертизаси хулосаларни (руйхат илова қилинган) бекор қилиш учун судга тақдим этиши таъкидлаб ўтишди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллашди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги давлат экологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш бўйича доимий фаолият юритувчи Экспертлари кенгаши тўғрисидаги Низомга асосан, тўпланган ҳужжатларини ўрганиш натижасига кўра, Экспертлари кенгаши қуйидагича

ХУЛОСА ҚИЛАДИ:

1. “UzBAT” ҚК АЖ Ургут филиали юритаётган иш фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига мувофиқ, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифаси 29-банди “Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари”га мос равишда белгилансин.

2. “Hududgazta'minot” АЖ иш фаолияти Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган объектларидан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарорига 1-иловага мувофиқ, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг III тоифаси 9-бандига (Туман ва шаҳар (Тошкент шаҳри бундан мустасно) аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари) мансублиги белгилансин.

3. “O‘ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI” АЖнинг Самарқанд вилоятида жойлашган 220 кВ Чупан-Ота подстанциясини фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига мувофиқ, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II тоифаси 10-банди “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аҳамиятга эга бўлган электр узатиш линиялари”га мос равишда белгилансин.

4. Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигини чегаралари белгилангандан сўнг, “BLEND MIX” МЧЖнинг мурожаати Экспертлар кенгашида қайта кўриб чиқиши белгилансин;

5. “SHAFFOF METAN SANOAT” МЧЖ бўйича мурожаатини муҳокамаи кейинги экспертлар кенгаш йиғилишида кўриб чиқиши белгилансин.

6. Чирчик, Сирдарё, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё, Қорадарё Оқдарё ва Сурхондарё дарё ўзанлари тозалаш ва карьерларда норида материалларини қазилш фаолиятига берилган давлат экологик експертизаси хулосаларни руйхатга асосан бекор қилиш учун судга такдим этилсин.

7. Экспертлар кенгаши баённомаси нусхаси маълумот учун манфаатдор томонларга етказилсин.

Тошкент архитектура-қурилиш университети
Қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги
кафедраси профессори



З.М.Сатторов

Тошкент давлат аграр университети
Экология ва ботаника кафедраси /
мудири, доценти



К.Х.Бухоров

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот
институтини “Гидроэкология ва сув ресурсларини
муҳофаза қилиш лабораторияси мудири




У.А.Содиқова

ТИҚХММИ МТУ “Экология ва сув ресурсларини
бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси,
Техника фанлари бўйича фалсафа доктори



Р.И. Раззаков

Соғлиқни сақлаш вазирлиги СЭО ва ЖС
қўмитаси, санитария гигиена бошқармаси
мутахассиси



А.А. Абдувоҳидов

Давлат экологик експертизаси маркази
Бош директорининг ўринбосари



В.В. Ши-сян

Давлат экологик експертизаси маркази Давлат
экологик експертизасини ўтқазилш бўлими
бош експерти



А.В. Жданов

Давлат экологик експертизаси маркази Давлат
экологик експертизасини ўтқазилш бўлими
бош експерти



М.С. Малышев

Марказ бош юрисконсулти



Д. Махмудов